

Икки сўкишганинг гуноҳи улардан энг аввал бошлаганга бўлади | Сийрат дарслари (350-дарс)



19:00 / 24.10.2025 1017

768. Муовия ибн Ҳайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Одамларни кулдириш учун ёлғон гапни гапирганга вайл бўлсин, вайл бўлсин, вайл бўлсин»**, деганларини эшитдим».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Вайл бўлсин» - вой бўлсин, шўри қурисин, унга дўзах бўлсин, дегани.

769. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бўҳтоннинг нималигини сизларга айтиб берайми? Бу одамлар орасида «деди-деди»лаб чақимчилик қилишдир»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

770. Асма бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир аёл: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг кундошим бор. Унга эрим менга бермаган нарсани берди деб айтсам, гуноҳкор бўламанми?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўзига берилмаган нарсани берилди, деб айтувчи худди иккита ёлғондакам кийим киювчи кабидир»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

771. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, лаънатловчилар Қиёмат куни гувоҳ ҳам, шафоатчи ҳам бўлишмайди»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

772. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Икки сўкишганнинг гуноҳи улардан энг аввал бошлаганга бўлади. Модомики, мазлум (томон) ошириб юбормаган бўлса»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

773. Абдуллоҳ ибн Шиххийр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бану Омир вакиллари таркибида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. Шунда (у зотга): «Сиз бизнинг саййидимизсиз», дедик. **«Саййид Аллоҳдир»,** дедилар. «Сиз энг афзалимизсиз ва энг улуғимизсиз», дедик. **«Мана шу сўзингизни ёки шунга ўхшаш сўзингизни айтинг. Шайтон сизларни ўзига малай қилиб олмасин»,** дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.